

Жисмоний шахсларга миллий валютадаги банк карталарини чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича Қўшилиш Шартномаси

“Ориент Финанс” ХАТБ, кейинги ўринларда Банк деб аталувчи, бир томондан ҳамда мазкур Жисмоний шахсларга миллий валютадаги банк карталарини чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича Қўшилиш шартномасини шартномага қўшилиш тўғрисида Ариза (кейинги ўринларда - Ариза) бериш орқали қабул қилиш истагини билдирувчи Жисмоний шахс, кейинги ўринларда Карта эгаси деб аталувчи, иккинчи томондан қўйидаги келишувга розилик билдирилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Мазкур шартнома жисмоний шахсларга миллий валютада банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатишнинг стандарт (наъмунавий) шартларини белгилайди ва Банк томонидан чиқарилган банк карталари (кейинги ўринларда - Карта) орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича Банк ва Карта эгаси ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

1.2. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360-моддасида белгиланган тартибда Карта эгасининг Шартномага қўшилиш шаклида тузилади.

1.3. Карта эгаси томонидан Аризани тўлдирилиши ва имзоланиши Карта эгасининг Шартноманинг шартларини тўлиқ ва ҳеч қандай қўшимча шартларсиз қабул қилганлигини тасдиқлайди. Аризани имзолаш вақтида Карта эгаси томонидан Шартнома шартларини ўзгартириш учун қўйилган ҳар қандай қўшимча шартлар юридик кучга эга эмас.

1.4. Шартнома ва Тарифлар (амалдаги таҳрири) билан Карта эгасини таништириб чиқиш мақсадида уларнинг матни Банк филиали (офиси)нинг ахборот девори (стенди) ва Банкнинг корпоратив сайти (www.ofb.uz) да жойлаштирилади, шунингдек Банк масъул ходимининг иш столида мавжуд бўлади.

1.5. Тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришдан аввал Карта эгасига Шартнома матни ва Банк Тарифлари билан танишиб чиқиш ҳуқуки берилади. Карта эгаси Шартнома матнининг чоп этилган бир нусхасини олиш ҳуқуқига эга.

2. ТУШУНЧАЛАР

Банк картаси

Банк томонидан Карта эгаси номига чиқарилган миллий валюта - сўмдаги банк карта. Карта Банкнинг мулки ҳисобланади ва Карта эгасига Банк томонидан вақтинчалик фойдаланиш учун берилади. Банк картаси - уни сақловчига электрон терминаллар, алоқа каналлари орқали тўловларни амалга ошириш ёки нақд пул маблағларини олиш ёхуд валюта айирбошлишни амалга ошириш ва банк картасининг эмитенти томонидан белгиланган бошқа операцияларни бажариш имконини берувчи ахборотни ўз ичига олади. Банк картаси дебет, кредит картаси, шу жумладан виртуал (жисмонан мавжуд бўлмаган) карта бўлиши мумкин.

Карта эгаси

Жисмоний шахс – Банк билан мазкур шартномани имзолаган Карта эгаси.

МСКХР	Карта бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Банк томонидан Карта эгаси номига очиладиган маҳсус сўмдаги карта ҳисоб рақами.
Терминал	Карта орқали товар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш, Банк ва бошқа тижорат банклари кассаларида нақл пул маблағларини ечиш, шунингдек Карта эгаси картани тақдим этганда маълумот беришда фойдаланиладиган қурилма.
Банкомат	Карта эгасига унинг Картасидан МСКХРдаги қолдик маблағлар доирасида нақд пул маблағларини бериш, Карта эгаси картани тақдим этганда маълумот беришда фойдаланиладиган автоматлаштирилган қурилма.
Корхона	Ўзбекистон Республикаси худудида товар, иш ва хизматлар учун Карта эгаси билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда Картани тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи исталган юридик шахс, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор.
ПИН кодлар	Карта ёрдамида Карта эгаси томонидан операцияларни амалга ошириш учун қонуний ҳуқуққа эгалигини тасдиқлайдиган, ҳамда Картада сақланадиган маълумотлар олиш имкониятини чеклайдиган маҳсус кодлар. ПИН кодлар конфиденциал маълумот ҳисобланиб Карта эгаси томонидан сир сақланиши лозим.
Квитанция (Слип)	Карта ёрдамида Карта эгаси томонидан операцияларни амалга оширилганлигини (товар ва хизматлар учун тўлов, нақд пул ечиш ва Банк томонидан Карта эгасига рухсат этилган бошқа операциялар) тасдиқлайдиган Терминал ёки Банкомат томонидан чоп этиладиган чек.
Қайтариб бериш	Карта ёрдамида Карта эгаси томонидан сотиб олинган товар ва хизматлардан воз кечганлиги сабабли, Корхона тан олган ва Карта эгасининг МСКХРини кредитлаш учун Банк томонидан белгиланган шаклда Корхона томонидан исталган пул маблағларини қайтариб бериш. Қайтариб бериш нақд пул шаклда амалга оширилмайди.
Стоп лист	Карточка йўқолган ёки шикастланган ҳолларда Карта эгасининг мурожаатидан кейин Карта бўйича операцияни амалга оширилиши Банк томонидан таъқиқланган карталар рўйхати.
Йўриқнома	Картадан фойдаланиш қоидлари ва хавфсизлик чораларини белгиловчи ва Карта эгаси риоя этиши лозим бўлган ҳужжатдир. Йўриқнома мазкур шартноманинг 1-сонли Иловаси ҳисобланади.
Тариф	Карта эгаси ёки Корхона томонидан Карта ёрдамида операцияларни амалга ошириш вақтида Банк фойдасига тўланадиган комиссиян тўлов. Банк Тарифларни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга.
Процессинг маркази	“Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖ (ЯУПМ) (UZCARD) ёки “Миллий банклараро процессинг маркази” МЧЖ (МБПМ) (HUMO) микропроцессорли карталардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинувини таъминлайди, иштирокчи-банклар билан шартномавий

муносабатга эга бўлган ва транзакцияларнинг ахборот клирингини таъминлайди.

Шартнома

Қўйидаги хужжатлар жамланмаси: мазкур шартнома, Шартномага қўшилиш тўғрисидаги Ариза, Картани қайта чиқариш бўйича ариза (бундай аризалар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади).

Шартномага қўшилиш тўғрисидаги Ариза (Ариза)

Банк томонидан белгиланган шаклдаги Карта эгаси томонидан тўлдириладиган ва имзоланадиган Жисмоний шахсларга миллий валютада банк карталари чиқариш ва хизмат қўрсатиш бўйича қўшилиш шартномасининг шартларига қўшилиши тўғрисидаги истагини ўзида акс эттирган ариза.

Халқаро иқтисодий ва молиявий санкциялар (кейинги ўринларда “Санкциялар”) Санкцияларни четлаб ўтиш

муайян давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан маълум бир давлат ва унинг фуқароларига нисбатан қўлланилган тақиқловчи характерга эга бўлган иқтисодий чоралар.

карта эгасининг ҳукумат ёки халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатлар ҳукумати томонидан ўрнатилган чекловларни четлаб ўтиш мақсадида транзакция тафсилотларига ҳуқуқий мақом бериш йўли билан муайян операцияларни била туриб амалга оширишга қаратилган ҳаракати.

3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3.1. Банк Карта эгасининг Картани чиқариш бўйича Аризасига асосан 10 (үн) иш куни ичida Карта эгасига МСКХР очади, Картани тайёрлайди ва Карта эгасига тақдим этади. Картани олиш вақтида Карта эгаси ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этади ва ПИН кодларни ўз ихтиёрига кўра ўзгартиради.

3.2. Банк қўйидаги банк карталарига хизмат қўрсатади:

3.2.1. UZCARD EMV тизими.

3.2.2. HUMO тизими.

3.3. Картани чиқарганлик учун Банк Карта эгасидан амалдаги Банк Тарифларига мувофиқ ҳақ ундиради. Банк Карта эгаси учун Картани 5 календар иличи учун чиқаради. Картада уни чиқарилган ва амал қилиш санаси кўрсатилади. Карта чиқарилган санадан бошлаб 5 йил ўтгандан сўнг Карта эгаси Банкка янги Карта чиқариш учун мурожаат қилиши лозим.

3.4. Карта эгаси мазкур шартнома доирасида Картадан фойдаланган ҳолда қўйидаги операцияларни амалга ошириши мумкин:

- Корхоналар билан товар, иш ва хизматлар учун нақд пулсиз шаклда ҳисоб-китоб қилиш;

- Банкомат ёки Банк кассаси, шунингдек бошқа банкларнинг кассасидан нақд пул маблағларини ечиб олиш;

- Банк кассаси орқали нақд пул шаклда маблағларни МСКХРга кирим қилиш;

- Ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, бошқа тўловларни, шунингдек Карта эгасининг бошқа ҳисоб рақамларидан маблағларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ нақд пулсиз шаклда МСКХРга кирим қилиш;

- Карта ва МСКХР бўйича маълумотлар олиш.

3.5. Операцияларни амалга оширганлик учун Банк Карта эгасидан Банкнинг амалдаги Тарифига мувофиқ комиссион тўловлар ундиради.

3.6. МСКХРга хизмат кўрсатиш дебет схемаси бўйича амалга оширилади.

3.7. Мазкур шартнома бўйича барча тўловлар сўмда амалга оширилади.

3.8. Банк томонидан Карта/МСКХРга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, тўлов тизимлари қоидалари, мазкур Шартнома шартлари ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига асосан хизмат кўрсатилади.

3.9. Карта/МСКХР орқали ўтказилган барча операциялар, шу жумладан ҳар қандай Банк комиссиялари ва хизмат ҳақлари, Банк олдидағи қарздорликлар, амалдаги қонунчилик, мазкур Шартнома шартлари ва Банк Тарифларига асосан жарима ва бошқа тўловларни Карта эгасининг МСКХРдаги мавжуд маблағлардан унинг қўшимча розилигисиз ва топшириғисиз ечиб олишга Карта эгаси Банкка ўз розилиги ҳамда шартсиз ва чақириб олинмайдиган ҳуқуқ беради (олдиндан берилган акцепт).

3.10. Картадан фойдаланиб амалга оширилган операциялар ҳақида Банк Карта эгасини SMS-хабар юбориш орқали маълум қилиб боради. Картадан фойдаланиб амалга оширилган операциялар ҳақида хабар бериб борилганлиги учун воситачилик ҳақи (комиссия) миқдори ва уни ундириш тартиби Банк Тарифларида белгиланади.

3.11. Бунда Карта эгаси SMS-хабар юбориб туриш учун ўзининг мобил телефони рақамини Аризада кўрсатиш орқали Банкка тақдим этади. Карта эгаси ҳоҳлаган пайтда Банкка тегишли ариза тақдим этган ҳолда SMS-хабар (SMS банкинг) хизматига уланиш/ўчириш/ўзгартириш ҳуқуқига эгадир.

3.12. Карта эгаси ўзининг мобил телефони рақамини беришни ва SMS-хабар хизматидан фойдаланишни рад этиши мумкин. Бундай ҳолатда Карта эгаси Банкка шахсан ўзи Банкка мурожаат қилиб ҳар куни Банкнинг иш кунлари МСКХРдан кўчирмалар олишга ҳақли бўлади.

4. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банк қўйидаги мажбуриятларга эга:

4.1.1. Картани Карта эгасига топшираётган вақтда уни Картадан фойдаланиш бўйича Йўриқнома, шу жумладан Картадан фойдаланиш чоғидаги хавфсизлик шартлари ва чоралари ҳамда Банк Тарифлари билан таништириш;

4.1.2. МСКХРининг қолдиқ суммасини камайишига олиб келадиган Карта орқали амалга ошириладиган барча операциялар суммасига, шунингдек Карта эгаси амалга оширган операциялар учун Банк Тарифларига мувофиқ Банкнинг комиссион тўловлари суммасига дебетлаш (маблағларни ўчириш);

4.1.3. Карта эгасининг талабига кўра Банк Тарифларида кўрсатилган ҳақ эвазига МСКХРдан кўчирма бериш орқали унинг Картасидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳужжат ва маълумотларни тақдим этиш;

4.1.4. Карта эгасига Карта йўқолганлиги ва (ёки) Картадан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисидаги хабарномани туну-кун юбориш имконияти билан таъминлаш;

4.1.5. Карта эгасидан ёки иш ҳақи лойиҳаси бўйича шартнома тузилган Корхонадан Карта йўқотилганлиги (ўғирланганлиги, шикастланганлиги ва ҳ.к.), Картадан рухсатсиз фойдаланганлик тўғрисидаги ариза/мурожаат келиб тушиши билан дарҳол Карта бўйича хизмат кўрсатишни тўхтатиш/тугатиш ва Картани блоклаб қўйиш;

4.1.6. Карта эгасига Картадан фойдаланиш ва Банк Тарифларида назарда тутилган ҳисоб-китоблар технологияси тўғрисида маслаҳатлар бериш;

4.1.7. Тарифлар, шунингдек Карта бўйича хизмат кўрсатиш шартлари ва тартиби ўзгарган ҳолларда, Карта эгасини мазкур ўзгаришлар кучга киришидан

10 кундан аввал Банкнинг расмий веб-сайти (www.ofb.uz) да эълон қилиш орқали хабардор қилиш;

4.1.8. Мазкур шартнома бекор қилинган тақдирда, Карта эгасига МСКХРдаги қолдиқ пул маблағларини қонунчиликда ўртатилган тартибда қайтариб бериш;

4.1.9. Банк Тарифларида белгиланган миқдорда МСКХРдаги қолдиқ пул маблағларига фоиз ҳисоблаш;

4.1.10. Карта эгасига таъалуқли бўлган банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг сир сақланишини кафолатлаш;

4.1.11. Банк Карта эгасини Картага хизмат кўрсатиш бўйича ундириладиган воситачилик ҳақининг миқдори ва уни ундириш тартиби тўғрисида, воситачилик ҳақи тўланмаган тақдирда қарзни ҳисоблаш тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек мазкур Шартномада белгиланган тартибда Картага хизмат кўрсатганлик учун воситачилик ҳақи тўланганлиги фактининг тасдиқномаси тақдим этилишини таъминлаш.

5. КАРТА ЭГАСИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Карта эгаси қўйидаги мажбуриятларга эга:

5.1.1 Картадан амалдаги қонунчилик, мазкур Шартнома ва Картадан фойдаланиш бўйича Йўриқнома (хавфсизлик шартлари ва чоралари), тўлов тизимлари қоидаларига мувофиқ фойдаланиш, шунингдек МСКХР орқали амалга оширилган барча операциялар бўйича жавобгарликни олиш;

5.1.2 Картадан МСКХРдаги қолдиқ пул маблағлари доирасида фойдаланиш;

5.1.3 Карта ёрдамида амалга оширилган барча операциялар бўйича комиссион тўловларни Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ тўлаш;

5.1.4 Карта эгаси томонидан мазкур шартнома ва/ёки Картадан фойдаланиш бўйича Йўриқнома шартларини бузилиши натижасида юзага келган Банкнинг ҳаражат ва заарларини қоплаб бериш;

5.1.5 Шартномага қўшилиш ҳақидаги Аризани тақдим этишдан олдин мазкур Шартноманинг барча шартлари, Картадан фойдаланиш бўйича Йўриқнома (хавфсизлик шартлари ва чоралари) ва Банкнинг амалдаги Тарифлари билан танишиш, уларга киритилаётган ўзгаришлардан мустақил тарзда хабардор бўлиб бориш;

5.1.6 Мазкур Шартнома бекор қилинганда ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига доимий яшашга чиқиб кетаётган ҳолларда Картани Банкка яроқли ҳолда қайтариш, МСКХРни ёпиш. Картани йўқотиб қўйилганлиги, шикастланганлиги сабабли қайтаришнинг имкони бўлмаган тақдирда, Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ унга жарима тўлаш;

5.1.7 Аризада кўрсатилган маълумотлар (ФИШ, яшаш ва прописка манзили, Карта эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар, телефон рақамлари ва бошқа реквизитлари)нинг барча ўзгаришлари ҳақида, мазкур ўзгаришлар рўй бергандан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida Банкни ёзма равишда хабардор қилиш. Мазкур бандда кўрсатилган маълумотларни тақдим этмаганлиги ва ўз вақтида тақдим этмаганлиги оқибатида юзага келадиган хавф (risk) Карта эгасига юклатилади.

5.1.8 Картадан фойдаланиш ва тасарруф қилиш учун уни бегона шахсларга бермаслик, ПИН-код ҳақидаги маълумотни махфийлигини таъминлаш;

5.1.9 Банкнинг мобил иловаси ўрнатилган ва/ёки«SMS-банкинг» хизмати кўрсатилиши учун рақами фойдаланиладиган мобил телефонини учинчи шахслар томонидан фойдаланишга йўл қўймаслик;

5.1.10 Банкнинг мобил иловаси ўрнатилган ва/ёки«SMS-банкинг» хизмати кўрсатилиши учун уланган мобил телефони рақамидан фойдаланиш тўхтатилгандан, бу ҳақда Банкни хабордор қилиш;

5.1.11 Фирибгарлик холатларини олдини олиш мақсадида SMS-хабанома орқали келган кодларни (логинлар, пароллар ва бошқа шахсий маълумотлар) учинчи шахсларга ошкор қилмаслик.

5.1.12 Карта йўқотилганда (ўғирланганда) ва/ёки ундан рухсатсиз фойдаланилганлиги факти аниқланганда, шунингдек агар ПИН-код учинчи шахсларга маълум бўлиб қолганда, бу ҳақда дарҳол телефон, шу жумладан Банкинг Call-center орқали Банкни хабордор қилиш. Бунда Карта эгаси Аризада кўрсатилган махфий сўз (код)ни айтиш орқали ўзини идентификация қилиши лозим.

5.1.13 Банкнинг биринчи талаби билан Картани Банкка тақдим этиш;

6. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Банк қуидаги ҳуқуқларга эга:

6.1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид маблағларни МСКХРга кирим қилмаслик;

6.1.2. Ишлаб чиқариш заруратига кўра, Карта эгасидан Картани олиб қўйиш, бунда Банк Картани олиб қўйиш санасидан 3 кун аввал бу ҳақда Карта эгасига хабар беради ва ўрнига бошқа Карта тақдим қиласди;

6.1.3. Карта эгасининг аризасига мувофиқ хавфсизлик нуқтаи назаридан Картани вақтингчалик блоклаб қўйиш;

6.1.4. Карта эгасидан мазкур Шартнома ва йўриқномани бузганлик учун келиб чиқсан қарздорлик ва Банкнинг барча ҳаражат суммасини тўлаб берилишини талаб қилиш.

6.1.5. Карта эгасининг хабарномаси/аризасига ёки Карта эгаси томонидан Картадан фойдаланиш тартибини, мазкур Шартнома шартлари бузилганда, ўз ташаббусига кўра Картадан фойдаланишни тўхтатиш ёки тугатиш;

6.1.6. Амалдаги қонунчилиқда кўрсатилган ҳолларда Карта орқали операцияларни амалга оширишни тугатиш ёки чеклаш;

6.1.7. Карта эгаси тақдим этган реквизитлар бўйича SMS-хабарлар юбориш.

6.1.8. Банк қуидаги ҳолатларда банк картаси орқали операциялар ўтказишни вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳамда банк картасини муомаладан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

- банк картаси ёки унинг реквизитларидан ноқонуний фойдаланишни тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлигига;
- банк картасидан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган шахслар томонидан ишлатилганда;
- банк карталаридан фойдаланиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган бошқа ҳолатларда;
- қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Банк картаси орқали операцияларни ўтказишни вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳамда банк картасини муомаладан чиқариш ва бу ҳақда мижозга хабар бериш тартиби тўлов тизими қоидаларига ҳамда банк карталаридан фойдаланиш тўғрисидаги шартномага асосан амалга оширилади.

6.1.9. Мижоз томонидан банк картасидан бошқа банк картасига бир кун давомида 5 мартадан кўп транзакция ўтказилганда, жами базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига teng ёки ундан ошган суммада ортиқ бўлган тақдирда, банк бундай картадаги операцияни бир томонлама уч иш кунига тўхтатишига ҳақли.

6.1.10. Карта эгаси томонидан ушбу шартнома талаблари бузилган тақдирда, Банк томонидан бир томонлама тузилган шартномани бекор қилиш ва картани блоклаш.

6.1.11. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан мижозлар томонидан республика банкларидағи ҳисобварақларни очиш ва улардан фойдаланиш тартиби ёки тўлов тизимларининг эмиссия тартиби ўзгарган тақдирда банк томонидан шартнома шартларига бир томонлама ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

7. КАРТА ЭГАСИННИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

7.1. Карта эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

7.1.1. Банк кассасига нақд пул маблағларини кирим қилган ҳолда, шунингдек пул маблағларини 23118, 23120 “Жисмоний шахсларнинг пластик карталарига нақд пулсиз ўтказилиши лозим бўлган бошқа пул маблағлари бўйича транзит ҳисобварағлари”га ўтказиш орқали МСКХР қолдиғини тўлдириш;

7.1.2. МСКХРдаги мавжуд маблағларни амалдаги қонунчилик ва мазкур Шартномага мувофиқ эркин тасарруф этиш;

7.1.3. Мазкур шартномада, шунингдек Банкнинг йўриқномаларида назарда тутилган бошқа ҳаракатлар натижасида Карта вақтингчалик блокировка қилинган ҳолларда Картани активлаштириш (авторизация қилиш);

7.1.4. Картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча операциялар ва МСКХР қолдиғи бўйича кўчирма олиш. Бунда Карта эгаси банкка шахсан мурожаат қилиш ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиши лозим;

7.1.5. Асосий МСКХРга боғланган қўшимча банк картасини очиш;

7.1.6. Хавфсизлик нуқтаи назардан Картани олгандан кейин унинг ПИН-кодини ўз ихтиёрига кўра Банк қурилмалари (терминал, банкомат, инфокиоск)дан фойдаланган ҳолда ўзгартириш;

7.1.7. Корхонадан амалга оширилган операциялар тўғрисида маълумот олингунига қадар Карта эгаси Банқдан тўловни қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас;

7.1.8. МСКХРдан кўчирмалар бўйича ва/ёки амалга оширилган операциялар юзасидан низоли масалалар юзага келганда ёзма эътиrozлар билдириш;

7.1.9. Карта йўқотилганда/ўғирланганда ёки унинг амал қилиш муддати тугаганда, Картани қайта чиқариш ҳақида тегишли ариза билан Банкка мурожаат қилиш;

7.1.10. Банкка тегишли ёзма ариза тақдим этиш орқали Картанинг амал қилишини тўхтатиб туриш (блокировка қилиш) ёки муддатидан олдин тугатиш ёхуд мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Карта эгаси Карта йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги ва/ёки рухсатсиз фойдаланилганлиги, шунингдек Карта ПИН коди учинчи шахслар ёхуд бошқаларга маълум бўлиб қолганлиги ҳақида Карта эгаси Банкни хабардор қилгунига/ариза тақдим қилингунга қадар Карта бўйича ҳар қандай шахс томонидан амалга оширилган операция (транзакция)лар ва ҳар қандай молиявий йўқотишлар учун Банк жавобгар бўлмайди.

8.2. UZCARD EMV ёки HUMO тизимларининг иш фаолиятида бошқа ташкилотларнинг (ЯУПМ ёки МБПМ) айби билан тўхтаб қолиш ҳолатлари учун Банк жавобгар бўлмайди.

8.3. Асосий Карта эгасининг хабарисиз қўшимча карта орқали товар ва хизматлар учун амалга оширилган тўловлар учун Банк жавобгар бўлмайди.

8.4. Банқдан ташқари тўлов тизимларида амалга оширилган транзакциялар учун Банк жавобгар бўлмайди, томонларнинг тегишли

мажбурияти ва жавобгарлиги тўлов тизимлари томонидан тақдим этилган алоҳида ҳукуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

8.5. Банк қуидагилар бўйича жавобгар бўлмайди ва Картадан рухсатсиз фойдаланилганлиги натижасида йўқотилган пул маблағлари суммасининг ўрнини қоплашни рад этади:

- Карта эгаси томонидан Картадан фойдаланишнинг мазкур Шартномада назарда тутилган хавфсизлик чораларига риоя этилмаганди;

- Карта эгасининг ўз Картасидан фойдаланган ҳолда жиноятлар (ноқонуний ҳаракатлар) содир этишда иштирок этганлиги факти аниқланганда.

8.6. Банк картасининг эмитенти банк картаси йўқолганлиги ва (ёки) банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисида хабарнома олинганидан кейин банк картасидан рухсатсиз фойдаланганик учун жавобгар бўлади.

8.7. Карта эгаси ва Банк мазкур шартнома бўйича конфиденциал маълумотларнинг сир сақланиши учун бир хилда жавобгар бўлади.

8.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича томонларнинг жавобгарлиги, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

8.9. Агарда томонлардан бири мазкур Шартномани ижро қилиш вақтида амалдаги қонунчилик ҳужжатларини бузса, иккинчи томон бунинг учун жавобгар бўлмайди.

8.10. Карта эгалари учинчи шахсларга шахсий маълумотларни учинчи шахсга ошкора этганда, шахсан ўзи маъсул хисобланади.

9. МКХР БЎЙИЧА КОМПЛАЕНС ЧОРАЛАР

9.1. Карта эгаси ҳисобрақам очишда қуидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:

9.1.1. Шартнома бўйича Банк ўзининг бошқа ҳукуқларига қўшимча равишда Карта эгасининг транзакцияларини амалга оширишни кечиктириши ва қўшимча равишда текшириш ҳукуқига эгалигини карта эгаси тан олади;

9.1.2. Банк амалга оширилаётган транзакцияни (пул маблағларининг келиб чиқиш манбаси, транзакциянинг қонунийлиги ва асослилиги ва бошқалар) тўлиқ ўрганиш учун Карта эгасига сўровнома юборишга ҳақли, ўз навбатида Карта эгаси қисқа муддат ичida барча маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

9.1.3. Банк амалга оширилаётган транзакциаялар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки иқтисодий санкциялар билан боғлиқ қонун ва қоидаларни бузиши мумкинлигини белгилайди.

9.2. Банк қуидаги ҳолатларда Карта эгаси томонидан амалга оширилаётган транзакцияни тўхтатиб қўяди (рад этади):

9.2.1. агар Карта эгасининг транзакцияси Банк томонидан қўшимча ўрганилиши учун зарурат юзага келганда;

9.2.2. агар Карта эгасининг транзакцияси халқаро иқтисодий ва молиявий санкциялар доирасига кирса;

9.2.3. агар Карта эгаси транзакцияси санкцияларни четлаб ўтиш мақсадида амалга оширилган бўлса;

9.2.4. агар транзакция Банкнинг фикрига кўра шубҳали деб ҳисобланса ва/ёки ҳукumat, халқаро иқтисодий ва молиявий санкцияларни четлаб ўтиш белгиларига эга бўлса.

9.3. Агар Карта эгаси томонидан амалга оширилаётган транзакция Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва Банкнинг ички қоидаларини бузмаётганлиги Банк томонидан белгиланса, шунингдек мазкур транзакциялар иқтисодий

санкцияларга тушмаса (уларни четлаб ўтиш йўллари бўлмаса), Банк транзакцияларни амалга ошириш учун аввал ўрнатилган вақтингчалиқ чекловни бекор қиласи.

9.4. Агар мижозга ҳисоб рақам очища ҳамда ҳисоб рақам орқали амалга оширилиши кўзда тутилган операциялар оқибатида Банкка нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланиш хавфи юзага келган тақдирда, Банк мижозга ҳисоб рақам очишини ва операцияларни амалга оширишни рад этишга ҳақли.

9.5. Агар Банк томонидан Карта эгасининг ҳисоб рақами ноқонуний транзакцияларни амалга ошириш мақсадида фойдаланилаётганлиги ёки фойдаланиши мумкинлиги аниқланса, шунингдек мазкур транзакция Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк ички қоидалари, ҳамда даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш қонунчилигини бузса, шунингдек иқтисодий санкцияларга тушиб қолса, Банк мазкур транзакцияни бир томонлама тўхтатиб қўйиш ва Карта эгаси манзилиги хабарнома жўнатиб, ҳисобрақамига банд солиш ҳуқуқига эга.

9.6. Карта эгасининг ҳисоб рақамига Банк томонидан банд солингандан сўнг 30 календар кун ичida Карта эгаси ҳисоб рақамни ёпиш ва шартномани бекор қилиш бўйича Банкка ариза топшириши керак.

9.7. Карта эгаси банк ҳисоб рақами очиши жараёнида тақдим этилган манзилга Шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш юборилган санадан 30 календар кун ўтгандан сўнг Шартнома бекор қилинган деб топилади, бунда Карта эгаси томонидан банк ҳисоб рақамини ёпишга ариза топширилиши таълаб этилмайди.

10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

10.1. Шартнома бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, ходимлари ёки воситачилари ҳаракатларга таъсир қилиши ёки ушбу шахсларнинг ҳар қандай номақбул имтиёзлар ёки бошқа имтиёзларни олиш учун тўловларни тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар, тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон бир пул маблағлари ёки қийматларни тўлашга йўл кўймайдилар.

10.2. Шартнома бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, ходимлари ёки воситачилари амалда қонунчиликда пора бериш-олиш, шунингдек, амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ҳаракатлар қилмайдилар.

10.3. Шартнома Карта эгаси Банк ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришни рад этади, жумладан пул маблағлари, совғалар, бепул ишларни (хизматларни) бажариш ва бошқалар тақиқланади. Шу билан бирга, ходимни маълум бир қарамликка олиб келиши ва бунинг бажарилишини таъминлаш, ходим рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши таъкиқланади.

10.4. Агар бирон-бир томон коррупцияга қарши кураш шартларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб билса, тегишли томон бошқа томонни ёзма ёки оғзаки, шу жумладан, ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади.

10.5. Томонлар ушбу Шартномани тузишда, Шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, Шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

11. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

11.1. Агар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик давлат бошқаруви ва назорат органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан/чеклов – таъқиқловчи характерга эга қарор қабул қилиши ёки енгиб бўлмас куч оқибатида: уруш, ер қимирлаши, ёнғин, иш ташлаш ва бошқа оғатлар (ускуналар ишдан чиқиши, дастурий таъминот, электртаъминот ва ахборот узатиш тизимларининг носозлиги, томонларнинг айбисиз юзага келиши, аммо шартнома мажбуриятларини бажаришга тўғридан-тўғри таъсир қилувчи) натижасида вужудга келса, унга Томонлар таъсир кўрсата олмаса ва бундай ҳолат юзага келишига жавобгар бўлмаса, шунингдек, бу ҳолат ваколатли давлат органининг ҳужжати билан тасдиқланган бўлса, Томонлар шартнома бўйича мажбуриятлари қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарлиқдан озод этиладилар. Томонлар бундай енгиб бўлмас куч ҳолат бошланган ва унинг давом этиши яқунланганлиги ҳақида ёзма хабардор қилишга мажбур.

11.2. Енгиб бўлмас куч қонунда белгиланган тартибда ваколатли орган томонидан тасдиқланган тақдирдагина форс-мажор ҳолати деб ҳисобланади.

12. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ

12.1. Ушбу билан Карта эгаси мустақил, ўз ҳоҳиш-истаги ва манфаатлари йўлида Банкга номаълум муддатга ўзининг шахсий маълумотларидан, Банк фаолияти учун, шартномада кўрсатилган шартларни Банк томонидан бажарилиши, шунингдек қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадлар йўлида фойдаланиш ва ишлов беришга ўзининг муддатсиз вақтга розилигини беради. Шунингдек, Карта эгаси ушбу шартномани бажариш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, янги банк маҳсулотларини жорий қилиш, кредит маҳсулотларини тақдим қилиш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа мақсадларда шахсий маълумотларини учинчи шахсларга тақдим этилишига розилик беради.

12.2. Ҳар қандай маълумотларни (шахсий ва / ёки мижознинг алоқа маълумотлар)га ишлов бериш автоматлаштириш воситалари ёрдамида ёки уларсиз амалга оширилади, шу жумладан мазкур шартноманинг имзоланиши муносабати билан Банкка тақдим этилган шахсий маълумотларни йиғиши, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, тушунтириш, фойдаланиш, тарқатиш (жумладан Бакнинг ҳамкорларига ҳам), эгасизлантириш, чеклаб қўйиш, йўқ қилиш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш киради.

13. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

13.1. Агар Карта эгаси МСКХРдан қилинган кўчирмадан норози бўлса ёки Картадан фойдаланиб амалга оширилган операциялар бўйича низоли масала/низо юзага келса, Карта эгаси Банкка ёзма ариза/эътироz тақдим этиши мумкин. Аризада унинг санаси, Карта эгасининг ФИШ, паспорт маълумотлари, яшаш манзили ва телефон рақамлари, масала/низо предмети ва моҳияти кўрсатилиши ҳамда Карта эгаси томонидан имзоланиши керак. Аризага тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар (слип, чек, кўчирмалар) илова қилиниши лозим.

13.2. Банк Карта эгасининг аризасини ариза келиб тушган кундан эътиборан 15 (үн беш) кун мобайнида кўриб чиқади. Аризани кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чоралар кўриш зарур бўлган ҳолларда аризани кўриб чиқиш муддати кўпи билан 30 (уттиз) кунга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда Банк Карта эгасига хабар беради.

13.3. Мазкур шартномани ижро қилиш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай низо, масалани мақбул тарзда ҳал этиш учун ўзаро икки томонлама музокаралар йўли билан кўриб чиқилади, агарда ўзаро келишувга эришилмаган

тақдирда, низо Карта эгасига хизмат кўрсатувчи Банк филиали жойлашган жойдаги ваколатли судга кўриб чиқиш учун берилади.

14. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

14.1. Мазкур шартнома Ариза тақдим этиш орқали унга қўшилган кундан кучга киради ва Томонлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилингунга қадар амалда бўлади.

14.2. Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан бошқа тарафни шартномани бекор қилиш мўлжалланган санадан 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда бекор қилинишига йўл қўйилади, бунда қўйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- Карта эгасига Банк томонидан топширилган барча Карталар Банкка яроқли ҳолатда қайтарилади;
- Карта эгаси мазкур шартнома бўйича Банк олдидаги барча мажбуриятларини бажарганилиги;
- Карта эгаси Банк олдида қарздорликка эга эмаслиги.

14.3. Шартнома бекор қилинганда Картани чиқариш, операцияларни амалга оширганлик учун комиссион тўловлар ва Банк Тарифларига мувофиқ бошқа тўловлар Карта эгасига қайтарилилади.

14.4. Шартноманинг бекор қилиниши МСКХРни ёпиш учун асос бўлади ва МСКХРдаги қолдиқ маблағлар ўрнатилган тартибда қайтарилади.

15. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ШАРТЛАРИ

15.1. Шартнома/Тарифларга (шунингдек Банк томонидан шартноманинг янги таҳрири тасдиқланиши) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Банк томонидан мустақил амалга оширилади.

15.2. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчаларнинг кучга кириши учун Банк ахборотларни ошкор этиш тартиботига амал қиласи.

15.3. Банк Карта эгасини Шартнома/Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар тўғрисида бундай ўзгартириш ва қўшимчалар кучга киришидан 10 (үн) календар кун олдин дастлаб қўйидаги усувлар орқали маълумотларни ошкор этиш йўли билан хабардор қиласи:

- а) бундай маълумотни Банкнинг [ofb.uz](#) сайтида жойлаштириш;
- б) мижозларга хизмат кўрсатувчи Банкнинг таркибий бўлинмалари стендларида эълонлар жойлаштириш;
- в) электрон почта орқали ахборот хабарларини тарқатиш;
- г) Карта эгасига бундай маълумот Банк томонидан тарқатилаётганлигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усувлар.

15.4. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Карта эгасини киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида дастлаб хабардор қилинган кундан бошлаб 10 (үн) календар кундан кейин кучга киради.

15.5. Эълон қилинган маълумотлар билан Карта эгасини танишган пайти Карта эгаси учун маълумотларга эркин тарзда эга бўла бўлиш имконияти мавжуд бўлган вақт ҳисобланади.

15.6. Мазкур Шартномага қўшилган шахсларнинг барчаси киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалардан хабардор бўлиб боришини кафолатлаш мақсадида, Карта эгаси ҳар 10 (үн) календар кунда камида бир марта мустақил тарзда Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар ҳақида маълумотларни Банкнинг сайтидан олади ёки Банкка шундай маълумотларни олиши учун мурожаат қиласи.

15.7. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилган барча ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар мазкур Шартномага қўшилган барча шахсларга, шунингдек бундай ўзгартиришга киритилишидан аввал Шартномага қўшилган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

15.8. Агарда Банк томонидан Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга рози бўлмаган Карта эгалари бундай ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар кучга киришидан олдин, муддатидан аввал Шартномани белгиланган тартибда бекор қилишга ҳақли. Карта эгаси Банк томонидан Шартнома/Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан 10 (үн) календар куни ичида хизмат кўрсатувчи Банк филиалига мурожаат қилмаган тақдирда, бу унинг Банк томонидан таклиф этилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчаларга рози эканлигини англалади.

16. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

16.1. Банк мазкур Шартномани ижро қилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан Карта эгасини Аризада кўрсатилган манзил ва телефон рақамлардан фойдаланган ҳолда почта жўнатмаси (хабардор қилиш), телефон ва факс хабари орқали хабардор қиласди.

16.2. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, UZCARD ва HUMO тўлов тизимларининг қоидалари ҳамда Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк
картларини чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича
Кўшилиш шартномасига
1-сонли Илова

Миллий валютадаги банк картасидан фойдаланиш бўйича Йўриқнома (хавфсизлик чоралари ва шартлари)

1. Банк картасини олиш тартиби

- 1.1. Банк картасини унинг эгасига Банк ходими шахсни тасқдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан сўнг топширилади.
- 1.2. Хавфсизлик мақсадида, банк пластик карта эгасига Банқдаги ускуналар (терминаллар, банкоматлар, инфокиосклар) ёрдамида банк картасини ПИН- кодни ўзгартириш тавсия этилади. Ушбу ПИН-код банк карта эгаси аниқлаш ва карта билан банкоматлар ёки касса терминаллари орқали нақд пул олиш, корхоналар билан нақд пулсиз шаклда товар, иш ва хизматлар учун нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда карта билан амалиётларни тасдиқлаш учун ишлатилади.

- 1.3. Банқдан банк картасини олганингизда, унда фамилия ва исмингиз тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Уларни ёзишда хатоликларни топсангиз, бу ҳақда Банк ходимига хабар беринг.

2. Банк картасидан фойдаланиш

- 2.1. ПИН-кодни эслаб қолиш керак, банк картасида ПИН-кодни кўрсатманг;
- 2.2. Ҳеч қачон ҳар қандай шароитда ҳам учинчи шахсларга, шу жумладан қариндошларга фойдаланиш учун Банк картасини ёки унинг реквизитларини берманг.
- 2.3. ПИН-код факат қонуний карта эгасига маълум бўлиши керак, пул маблағларини хавфсизлигини таъминлаш ва картадаги пул маблағлари билан бегона шахслар фойдаланишига йўл қўймаслик учун кодни бошқа шахсларга ошкора этмаслик керак.
- 2.4. Банк картасини йўқотиб қўйманг (шу жумладан ўғирлатиб қўйманг).
- 2.5. Банк картангизни сақлаш ва фойдаланиш шартларига амал қилинг. Банк картасини механик, иссиқлик ёки электромагнит таъсирларга дучор қилманг ва унга нам тушишига йўл қўйманг. Банк картасини мобил телефон, майший ёки офис ускуналари яқинида сақланиши мумкин эмас.
- 2.6. МСКХР дан пул маблағларини ечилганда, қуйидагиларни ёдда тутинг:
 - Агар операция валютаси мос келса, операция суммаси МСКХРда акс этади;
 - Банк картаси ёрдамида операциялар МСКХРдаги пул маблағлари қолдиги доирасида рухсат этилади;
- 2.7. Агар Банк картаси билан тўловни амалга оширишда операция “муваффақиятсиз” бўлса, Банк ҳисобварағи айланмасида белгиланган операция йўқлигини текшириш учун терминал томонидан берилган чекнинг бир нусхасини сақлаб қўйиш.
- 2.8. Банк билан ахборот алмашиш ва ўзаро мулоқот қилиш учун фақат бевосита банқда олинган ҳужжатларда кўрсатилган алоқа воситалари (мобил ва шаҳар телефонлари, факслар, Веб-сайтлар, оддий ва электрон почта ва бошқалар) реквизитларидан фойдаланинг.
- 2.9. Агар банк карта эгаси банк картасини учинчи шахсларга фойдаланишга берса, ёки банк картасининг реквизитларини учинчи шахсларга

маълум қилса, Банк картаси ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича сарф қилинган барча сумма шартсиз равишда Мижознинг МСКХРига қаратилади.

2.10. Агар тушунмовчиликлар ёки саволларингиз бўлса, Банк билан +998 71 200 88 99 (Call-марказ) рақами орқали алоқага чиқинг, Call-марказ ходимлари Сизга банк карта рақамингиз ва банк картасидан фойдаланишда юзага келган муаммолар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган телефонограммани қабул қилиш ва туну-кун масалангизни ҳал этишлик учун ёрдам беришга тайёр.

3. Товар ва хизматларни нақд пулсиз тўлаш учун банк картасидан фойдаланганда тавсиялар

- Ишончли бўлмаган савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида Банк картасидан фойдаланманг.
- Банк картаси билан операцияларни фақат сизнинг хузурингизда амалга оширилишини талаб қилинг. Бу картада кўрсатилган Сизнинг шахсий маълумотларингизни рухсатсиз олиш хавфини камайтириш учун зарур.
- Агар Банк картаси билан тўловни амалга оширишда операция “муваффақиятсиз” бўлса, Банк ҳисобварафи айланмасида белгиланган операция йўқлигини текшириш учун терминал томонидан берилган чекнинг бир нусхасини сақлаб қўйиш.

4. Банкоматда банк картаси орқали операцияларни амалга ошириш учун тавсиялар

- Хавфсиз жойларда ўрнатилган (масалан, давлат муассасалари, банк бўлинмалари, йирик савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, аэропортлар ва бошқаларда) банкоматлар ёрдамида операцияларни амалга оширинг. Агар кўчада ўрнатилган банкоматлардан фойдаланаётган бўлсангиз, максимал тарзда эҳтиёткор ва зийрак бўлинг.
- Банкомат жойлашган хонага кириш учун ПИН-код талаб қилувчи курилмалардан фойдаланманг.
- Агар банкомат яқинида бегона шахслар бўлса, банкоматдан фойдаланиш учун бошқа қулай вақтни танланг ёки бошқа банкоматдан фойдаланинг.
- Агар банкомат клавиатураси ёки карталарни қабул қилиш жойлари банкомат конструкцияси мос келмайдиган қўшимча курилмалар билан жиҳозланган бўлса, ушбу банкоматда банк картасидан фойдаланманг ва Банкоматда кўрсатилган телефон орқали ташкилот ходимларига шубҳаларингиз ҳақида хабар беринг.
- Банкоматга банк картасини киритиш учун жисмоний куч ишлатманг. Агар банк картаси қабул қилиш жойига кирмаса, бундай банкоматдан фойдаланманг.
- Банкоматда ёпиштирилган логотипларида мазкур курилмада хизмат кўрсатиладиган тўлов тизимларининг савдо белгилари ва банк карта турлари акс этган бўлиши лозим.
- Операцияни амалга ошириш жараёнида банкомат экранидаги акс этаётган буйруқларни кетма-кет бажаришингиз тавсия этилади.
- ПИН кодни яқин атрофдаги одамлар уни кўролмайдиган тарзда киритинг. ПИН кодни киритишда клавиатуруни қўлингиз билан ёпинг.

ДИҚҚАТ! Агар ПИН кодни кетма-кет 3 марта нотўғри киритсангиз, банк картаси Банк томонидан блокланади ва банкомат банк картасини олиб қўйиши мумкин. Агар ПИН кодни тўғри эканлигига ишончингиз комил

бўлмаса, тўғри ПИН кодни аниқлангунча операцияни амалга ошириш тавсия этилмайди.

- Агар банкомат нотўғри ишлаётган бўлса (масалан, узоқ вақт давомида кутиш режимида, кутилмагандага қайта ишга тушганда), ушбу банкоматдан фойдаланмаслик, клавиатурадаги жорий операцияни бекор қилиш учун “бекор қилиш” (ОТМЕНА) тугмасини босиш ва банк картасини қайтишини кутиш лозим.
- Операция якунлангандан сўнг дарҳол банк картасини, банкоматдан чиқарилган квитанция (чек)ни ва пул маблағларини (нақд пул ечилигандага) олиш керак.
- Банкоматда нақд пул олгандан сўнг, пул маблағларини бирма-бир санаш, банк картаси банкомат томонидан қайтарилганлигига ишонч ҳосил қилиш, талаб қилинган пайтда квитанция чиқишини кутиш, кейин пул маблағларини сумка (ҳамён, чўнтак)га солиш ва фақат кейин банкоматни тарқ этиш лозим.
- Банкоматларда банк картаси билан операцияларни ўтказишда учинчи шахсларнинг маслаҳатига қулоқ солманг ва уларнинг ёрдамини қабул қилманг.
- Агар банкоматда банк картаси орқали операция амалга ошириш пайтида банкомат банк картасини қайтариб бермаса, банкоматда кўрсатилган телефон рақам орқали ташкилотга қўнғироқ қилиш ва содир бўлган ҳолатни тушунтириш лозим.

5. Банк картасини блокировка қилиш

5.1. Банк картасидан фойдалангандага ПИН кодни кўпи билан кетма-кет иккита марта нотўғри киритиш мумкин. ПИН код учинчи марта нотўғри киритилса, банк картаси автоматик равишда блокировка қилинади. Бундай вазиятда Сиз банк картасини қайта чиқариш ёки блокдан ечиш учун банк картасини чиқарган Банк бўлинмасига ариза билан мурожаат этишингиз лозим.

5.2. Банк карта эгаси, банк картасини йўқотганлиги ёки банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисида банкни хабардор қиласди (Call-марказ: +998 71 200-88-99 ёки мижоз мобил иловалар орқали мустақил равиша блоклайди).

5.3. Агар Карта эгаси банк картасини йўқотганлиги тўғрисида ўз вақтида Банкни хабардор қиласа, банк картасидан ноқонуний фойдаланганлик учун барча жавобгарлик Карта эгасига юкландади.

5.4. Агар илгари йўқолган (ўғирланган) деб эълон қилинган банк картасини топиб олинганда, бу ҳақда дарҳол Банкка хабар бериш керак, бундай банк картасидан фойдаланиш тақиқланади.

6. Банк картасининг амал қилиш муддати ва қайта чиқариш

6.1. Банк томонидан банк картаси карта эгасига 5 календар йил учун чиқарилади. Картанинг чиқарилган санаси ва амал қилиш муддати банк картасида кўрсатилади. Банк картаси берилган кундан бошлаб 5 йилдан сўнг, Карта эгаси янги карта чиқариш учун Банкка мурожаат қилиши керак. Карта унинг олд тарафида кўрсатилган йил ва ойнинг охирги кунигача амал қиласди.

6.2. Амал қилиш муддати тугагандан сўнг, карта янги рақам ва янги амал қилиш муддати билан қайта чиқарилади, бунда МСКХР ўзгармайди.

6.3. Банк картаси Банкнинг мулки ҳисобланади ва Карта эгасига вақтинча фойдаланиш учун топшириллади ва унинг амал қилиш муддати тугагандага ёки Шартнома бекор қилинганда Банкка қайтарилиши лозим.